# X. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3148,1 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 59224 кишига ёки 1,9 фоизга кўпайди.

**2017 йил январь-декабрда аҳолининг табиий ҳаракати**
*(ҳар 1000 кишига)*

| | *киши* | | | *ҳар 1000 кишига* | |
|---|---|---|---|---|---|
| | *2016 й.* | *2017 й.[1)]* | *ўсиш, камайиш* | *2016 й.* | *2017 й.[1)]* |
| Туғилганлар | 77684 | 76607 | 1077 | 25,4 | 24,6 |
| Ўлганлар | 12553 | 13383 | 830 | 4,1 | 4,3 |
| Табиий ўсиш | 65131 | 63224 | 1907 | 21,3 | 20,3 |
| Никоҳлар | 28560 | 31765 | 3205 | 9,3 | 10,2 |
| Ажралишлар | 1838 | 1952 | 114 | 0,6 | 0,6 |

**Туғилиш даражаси.** 2017 йилнинг январь-декабрида туғилганлар сони 76607 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (77684 киши) нисбатан 1077 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 24,6промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (25,4промилле) нисбатан 0,8 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Ғузор туманида (25,5 дан 25,0 промиллега), Деҳқонобод (28,4 дан 28,3промиллега), Қамаши (27,6 дан 27,2 промиллега), Китоб (24,6 дан 24,3 промиллега), Касби (25,6 дан 24,1 промиллега), Чироқчи (30,3дан 30,2 промиллега), Яккабоғ (27,8 дан 25,2 промиллега) туманларида кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2017 йилнинг январь-декабрида ўлганлар сони 13383 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (12553 киши) нисбатан 830 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,3 промиллени ташкил қилди. (2016 йил январь-декабрида 4,1 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Китоб (3,8 дан 3,7 промиллега), кўпайиши Қарши туманида (4,4 дан 4,9промиллега), Касби (4,0 дан 4,6 промиллега) Чироқчи (3,7 дан 3,9 промиллега), Шаҳрисабз (4,3 промиллени), Яккабоғ (4,4дан 4,5 промиллега) туманларида кузатилди.

---

[1)] *дастлабки маълумот*

**2017 йил январь-декабрда аҳолининг табиий ҳаракати**

*(ҳар 1000 кишига)*




Ўлганлар умумий сонидан 58,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,5 фоизи ўсма касалликларидан, 6,7 фоизи овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,4 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 5,9 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрида бир ёшга тўлмаган 669 та болалар ўлими кузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 56,0 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 21,3 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 8,3 фоизи туғма аномалиялардан вафот этган.

**Асосий ўлим сабаблари**

*(2017 йил январь-декабрь ҳолатига)*



**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2017 йилнинг январь-декабрида ФҲДЁ органларида 31765 та никоҳлар ва 1952 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 10,2 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 9,3 та) ва 0,6 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида 0,6 та) тўғри келади.

**2017 йил январь-декабрь ҳолатига никоҳ ва ажрим коэффициенти**

*(ҳар 1000 аҳолига, промилле)*




**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 11091 кишини, 2016 йилнинг шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 12109 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1018 кишига (2016 йилнинг шу даврида 10194 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиғлар Деҳқонобод (минус 193), Чироқчи (минус 557), Шаҳрисабз (минус 423), Яккабоғ (минус 146) туманларида кузатилди.

**Доимий аҳоли сони[1)]**

*(2018 йил 1 январь ҳолатига, минг киши)*

| | *Жами аҳоли* | *шу жумладан:* | |
|---|---|---|---|
| | | *шаҳар аҳолиси* | *қишлоқ аҳолиси* |
| **Вилоят бўйича:** | **3148,1** | **1358,4** | **1789,7** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Қарши ш | 268,0 | 268,0 | x |
| Шаҳрисабз ш | 135,4 | 135,4 | x |
| *туманлар:* | | | |
| Ғузор | 195,8 | 46,2 | 149,6 |
| Деҳқонобод | 140,6 | 27,1 | 113,5 |
| Қамаши | 259,5 | 61,9 | 197,6 |
| Қарши | 236,4 | 87,9 | 148,5 |
| Косон | 272,3 | 142,6 | 129,7 |
| Китоб | 254,1 | 96,1 | 158,0 |
| Миришкор | 114,7 | 43,6 | 71,1 |
| Муборак | 83,0 | 66,2 | 16,8 |
| Нишон | 144,8 | 88,6 | 56,2 |
| Касби | 188,1 | 73,2 | 114,9 |
| Чироқчи | 389,3 | 94,4 | 294,9 |
| Шаҳрисабз | 213,8 | 45,4 | 168,4 |
| Яккабоғ | 252,3 | 81,8 | 170,5 |

[1)]дастлабки маълумот

# Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари

*(январь-декабрь ойларида, 1000 аҳоли сонига)*

| | Туғилганлар | | Ўлганлар | | Аҳолининг табиий ўсиши | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2016й. | 2017й.[1)] | 2016й. | 2017й.[1)] | 2016й. | 2017й.[1)] |
| **Вилоят бўйича:** | **25,4** | **24,6** | **4,1** | **4,3** | **21,3** | **20,3** |
| *шаҳарлар:* | | | | | | |
| Қарши ш | 18,2 | 19,6 | 4,5 | 4,7 | 13,7 | 15,0 |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Ғузор | 25,0 | 24,1 | 4,4 | 4,7 | 20,7 | 19,4 |
| Деҳқонобод | 28,3 | 27,4 | 4,2 | 4,1 | 24,1 | 23,3 |
| Қамаши | 27,2 | 25,5 | 4,2 | 4,3 | 23,0 | 21,3 |
| Қарши | 23,6 | 21,8 | 4,4 | 4,9 | 18,8 | 16,9 |
| Косон | 25,2 | 24,5 | 3,9 | 4,1 | 21,3 | 20,4 |
| Китоб | 24,3 | 24,2 | 3,9 | 3,7 | 20,4 | 20,5 |
| Миришкор | 23,8 | 24,6 | 4,0 | 4,1 | 19,8 | 20,5 |
| Муборак | 23,3 | 21,8 | 3,8 | 4,4 | 19,5 | 17,4 |
| Нишон | 25,8 | 26,4 | 3,8 | 3,9 | 21,9 | 22,4 |
| Касби | 25,2 | 24,1 | 4,0 | 4,6 | 21,3 | 19,5 |
| Чироқчи | 31,4 | 30,2 | 3,7 | 3,9 | 27,6 | 26,2 |
| Шахрисабз | 24,1 | 22,4 | 4,3 | 4,3 | 19,8 | 18,1 |
| Яккабоғ | 27,5 | 25,3 | 4,4 | 4,5 | 23,2 | 20,7 |

[1)]дастлабки маълумот

## Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

*(январь-декабрь ойларида, бирлик)*

| | *Тузилган никоҳлар* | | *Никоҳдан ажралишлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | 2016й. | *2017й.*[1] | *2016й.* | *2017й.*[1] |
| **Вилоят бўйича:** | **28560** | **31765** | **1838** | **1952** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Қарши ш | 2073 | 2019 | 271 | 292 |
| *туманлар:* | | | | |
| Ғузор | 1755 | 2012 | 122 | 103 |
| Деҳқонобод | 1175 | 1640 | 48 | 74 |
| Қамаши | 2486 | 2800 | 110 | 132 |
| Қарши | 2094 | 2190 | 132 | 133 |
| Косон | 2366 | 2811 | 130 | 118 |
| Китоб | 2246 | 2508 | 230 | 220 |
| Миришкор | 1058 | 1087 | 37 | 43 |
| Муборак | 762 | 813 | 48 | 39 |
| Нишон | 1385 | 1526 | 67 | 85 |
| Касби | 1743 | 1863 | 63 | 76 |
| Чироқчи | 3678 | 4347 | 130 | 173 |
| Шахрисабз | 3115 | 3396 | 311 | 299 |
| Яккабоғ | 2624 | 2753 | 139 | 165 |

[1]дастлабки маълумот